

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

BELLASHUV

“ИСТИҚЛОЛ ЛОЧИНЛАРИ” ҒОЛИБ



Чирчиқ шаҳрида “Темурбеклар” ҳарбий спорт мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар умумтаълим мактабларидан сараланган 20 та жамоа ўзаро баҳслашди. Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши, мудофаа ишлари, жисмоний тарбия ва спорт, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган беллашув асосида ҳарбий чақириққа тайёргарлик ёшидаги ўқувчилар ўз маҳоратини тоблади. Якуний натижаларга кўра, 1-уринни Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактабининг “Истиқлол лочинлари” жамоаси эгаллади. Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманлари вакиллари ғолиблар шохсупасининг кейинги ўринларини банд этди. Бир қатор иштирокчиларга “Энг кучли жамоа”, “Энг тезкор жамоа”, “Энг жасоратли ўғил бола” ва “Энг жасоратли қиз бола” номинациялари буйича ҳам диплом ва эсаалик совғалар топширилди.

Соҳиба САПАЕВА

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҒОҒИ I ҚУРУЛТОЙИГА

32
Кун қолди

Латвия Республикасининг Рига шаҳрида истиқомат қилиб келган, асли қўқонлик Аюбхон Файзуллаев Ёшлар иттифоқи далдаси билан Ўзбекистонга қайтди. Ҳозирда у Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясида фаолият кўрсатмоқда.

ONLAYN MULOQOT

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН,

БАТАНДОШ?



Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташаббуси билан Россия Федерациясида таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ёш ватандошларимиз билан онлайн мулоқот ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, қийнаётган масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идора вакилларига мурожаат этди. Йигит-қизлар кўпроқ хорижга чиқиш учун рухсатнома олиш, диплом нострификацияси, ўзга юртларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ишланмаларни патентлаш каби муаммоларга

Р.НАЗАРМАНОВ



Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди. Мулоқот давомида тенгдошларимиз ўзларини дуч келаётгани маълум бўлди. Мулоқот давомида ҳеч бир савол ёки мурожаат эътиборсиз қолдирилмади. Халқаро даражада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар буйича ҳукуматга таклифлар киритишга келишиб олинди.

Ш.АБДУЖАМИЛОВА



SAXOVAT

ВЕЛОСИПЕДЛАР ҲАДЯ ЭТИЛДИ

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши яна бир эзгу ишга қўл урди. Нукус шаҳрида ўтказилаётган ўрганишлар давомида икки нафар ўқувчига велосипед топширилди. Шунингдек, Иттифоқ аъзолари хонадонма-хонадон юриб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан ҳам танишди. Хусусан, улар “Гоне кала”, “Шигис”, “Наубаҳар” маҳаллаларида бўлиб, жисмоний имконияти чекланган ва кам таъминланган оила

фарзандларига кундалик зарур буюмларни ҳадея этди. — Ҳар куни мактабга 8 километр юриб борардим, — дейди 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Наргиза Жанабаева. — Баъзан дарсларга кечикиб, ўқитувчилар, синфдошларим олида уялардим. Ёшлар ташкилоти томонидан совға қилинган велосипед менга чексиз қувонч бағишлади. Энди ўқишга кеч қолмайман!

Н.НУРАЛИЕВА



ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

2



ХАЛҚИМИЗ ВА МИЛЛАТИМИЗ ИБРАТИ

3

САВОБ ИШЛАР, ЭЗГУ АМАЛЛАР ОЙИ

Рамазон — мусулмон халқи алоҳида эътибор ва ҳурмат билан кутиб оладиган ойидир. Бу ойда олам шодликка тўлади, хайр-баракат, фазилатлар ёғилади. Кишилар қалбида сурур, кўзида қувонч балқийди. Ҳамма бир-бири билан ширинсуз бўлиб, меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкамланади. Қуръони карим тиловати ва хатмига бўлган муҳаббат жилоси ҳар бир қалбда намоён бўлади. Зеро, Рамазон — Қуръони карим ойи экани шундай баён этилади: «Рамазон ойи одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойидир...» Масжидларда ўқиладиган таровеҳ намозиди ҳамма бир сафда туриб ибодат қилади. Элу юртнинг равнақи, осойишталиги, барқарорлигини сўраб дуога қўл очилади. Рўзадор борки, эзгуликка интилади, узини ислоҳ этади, хатоларини тузатади. Гина-қудурат, зулм, адоват, ғийбат каби имлатларга барҳам берилади.

Ҳозирги вақтда масжидларимиз ҳар галгидан гавжум. Таровеҳ намозиди ҳамма бир сафда туриб намоз ўқимоқда, ибодат қилмоқда. Пойтахтимизда 119 масжид бўлиб, бугунги кунда улардан 111 тасида хатми Қуръон ва 2 тасида таровеҳ намози ўқилмоқда. Қолган 6 тасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш ўринлики, Учтепа туманида «Абу Талха» ва «Аби зах» масжидларининг фаолият бошлагани қалбларга қувонч бағишлади. Хатми Қуръон ва таровеҳ ўқилаётган масжидларнинг ҳаммасида намозхонлар учун барча шарт-шароит яратилган. Биродарларимизнинг хотиржам ибодат қилишлари учун ички ишлар бўлимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш йўлга қўйилган. Маълумки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати томонидан бу йилги Фитр

садақаси миқдори бозорлардаги 2 килограмм бугдой нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Масалан, ҳозирда Тошкент шаҳри бозорларида 1 килограмм бугдойнинг нархи ўртача 2 минг 500 сўм. Демак, Фитр садақаси тахминан 5 минг сўмга тенгдир.

Бу йилги Фидя миқдори доимий ўзар билан рўза тутолмайдиган кишилар учун бир оч одамнинг бир кунлик озиқ-овқати баробарида бўлиб, ўртача 12 минг сўм, деб белгиланди.

Рамазон — бирдамлик, ҳамжиҳатлик, дийдор ойи. Бир йил давомида бир-бирини кўрмаган кўнгли яқин, аммо яшаш жойи узок, қиладиган касби-кори бошқа-бошқа бўлган инсонлар таровеҳ намозларига келганда яна дийдорлашади. Бегона инсонлар ҳам таровеҳ намозига қатнаганда танишиб, дўстлашиб кетади.

Бу ойда оиламизга, қариндош-уруғларимизга, маҳалламиздаги бева-бечораларга, кам таъминланганларга қўлимиздан келганича моддий ёрдам беришимиз, беморлар ҳолидан хабар олиб, уларни бориб кўришимиз лозим.

Муҳаммад Юсуф ХУШВАҚТОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳар вакилиги бош мутахассиси.
ЎЗА

YOZ — 2018

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси томонидан Тошкент вилоятида ташкил этилган семинарда ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш жараёни муҳокама этилди.

Муҳокамаларда касаба уюмлари федерацияси мутасаддилари, ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар раислари, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирлик, идора ва бошқармалар раҳбарлари, стационар турдаги оромгоҳлар бошлиқлари ҳамда оромгоҳларда фаолият



кўрсатувчи ходимлар иштирок этди. Унда мавсум давоми-

да барча турдаги болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, мазмунли ва кизиқарли дам олишни таъминлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тавсиялар берилади. Оромгоҳлар нафақат соғломлаштириш маскани, балки ўғил-қизларни интеллектуал ривожлантириш марказлари сифатида фаолият кўрсатиши зарурлиги таъкилланди.


(Давоми 2-саҳифада)

SLIHOT ODIMLARI

МЕХНАТИДА РОЗИ,
ТАҚДИРИДАН ҲАМ

Шухрат ЙҮЛДОШЕВ,
Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси
бўлими бошлиғи

Ёшлик шижоати билан ёниб яшаётган йигит-қизни кузатар экансиз, уларнинг ўз тақдиридан розилиги, кўнгидаги касбни эгаллаб, завқ билан меҳнат қилаётгани кишини беҳад қувонтиради. Сирдарё вилоятидаги "Река меа фарм" корхонаси остонасидан ҳатлаганда ҳам шу ҳисни туйдик.



ҳисобига қўшимча иш ўринларини ташкил этиб, экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришни режалаштирди.

Айни вақтда "Сирдарё-фарм" эркин иқтисодий зонасида бешта корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг истиқболи учун тижорат банклари томонидан салкам 113 миллиард сўм ҳамда 10,3 миллион евро миқдорда кредит маблағлари йўналтирилган. Қолаверса, тегишли солиқ имтиёзлари ҳам тақдим этилди.

Мухим жиҳати шундаки, белгиланган инвестицион

лойиҳаларни амалга ошириш эвазига йил якунига қадар мингдан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилди. Бу эса, ҳудудда ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш учун айни мўлдоо. Яна бир таъкид: ҳозирда Сирдарёда нафақат тиббиёт воситалари ва анжомлари, балки янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёни ҳам баравж олиб бориляпти. Демак, яқин келажақда вилоят янада раванқ топишига шубҳа йўқ.

— Коллежни ўтган йили тамомладим, — дейди Насиба Абдиева. — Ҳозир мана шу замонавий корхонада ишлайман. Одамлар дардига малҳам бўладиган маҳсулотлар тайёрлашга ҳиссам қўшилаётганидан хурсанман.

Бугунги кунда "Река меа фарм" масъулияти чекланган жамиятида инфузион қоришмаларнинг куплаб

турлари ишлаб чиқаришмоқда.

— Корхонамиз "Сирдарё-фарм" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган, — дейди биз билан суҳбатда МЧЖ раҳбари Шерзод Яриев. — Давлат томонидан тақдим этилган имтиёз ва қўлайликлардан самарали фойдаланяпмиз. Келгусида фаолият доирасини кенгайтириш

MEDIAREYD

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Бугунги ота-оналар фарзанди тунда қаерда ва ким билан вақт ўтказаяётганини биладилми?

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳридаги интернет-кафе ва тунги клубларда назорат

тадбирлари ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар, ҳалқ таълими, солиқ, бошқармалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тунги соат 00.00 дан кейин "Ле Гранд", "Ремикс",



"Талисман", "Жунгли" каби кўнгилочар масканларга кириб, у ердаги ёшларнинг аҳоли билан танишди.

Баъзи йигит-қизлар навқиронлигига қарамай спиртли ичимликлар ичиб, чилим чекиб ва яна бошқа бемаза ишлар билан машғуллиги киши таъбини хира қилади. Давлатимиз ёшларга шунчалик ишониб турган, таълим-тарбияси учун қан-

чадан-қанча куч ва маблағ сарфлаётган бир пайтда юрт қорига яраш ўрнига, миллат юзини ерга қаратаётган "эртанимиз эгалари"ни нима деб аташ мумкин?! Наҳотки уларнинг тақдири ўз ота-онасини-да қизиқтирмас?! Ҳа, ўрганишлар давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан айбдорларга белгиланган тартибда чоралар қўрилди.

САҲОНАТ

Эркин АСАНОВ

Ёшлар иттифоқининг Зангиота туманида жойлашган ҳарбий қисмадиги бошланғич таълим ташаббуси билан Ўзбекистон Қуроли Кучлари давлат музейига сەҳнат уюштирилди.



ЭКСПОНАТЛАР
ХУДДИ ЖОНЛИДАЙ

Лойиҳа иштирокчилари миллий армиямиз тарихи ва бугунги ҳақида қўллаб қизқарли маълумотга эга бўлди. Ҳарбийларимиз ҳаёти акс этган лавҳалар, музей экспозициясига қўйилган

турли даврларга оид қурол-аслаҳалар ёшларда катта таассурот қолдириди. Экскурсия давомида ўғил-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

ЁШ СОЛИҚ
БИЛИМДОНЛАРИ
АНИҚЛАНДИ

М.ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА муҳбири

Давлат солиқ идоралари томонидан аҳоли ўртасида солиқ маданиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини юритишга оид кўникмаларни шакллантириш мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Йиғилган солиқларнинг сарфланиши, уларнинг мамлакатимиз ва фуқароларимиз ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятини ошириш, шу маънода ёшлар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни мақсадда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда Тошкент солиқ коллежиди "Солиқ билимлари – болаларга!" деб номланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг барча умумтаълим мактаб-

лари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзаро беллашиб, солиқ ислоҳотлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

Иштирокчилар "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири", "Солиқ мавзусининг ҳикояларида акс эттирилиши", "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусида энг яхши иш ҳамда "Солиқ нимага туланади ва нималарга сарфланади" мавзусида энг яхши компьютер тақдироти номинациялари бўйича куч синашди.

Иштирокчилар чиқиши Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баёлонди.

Танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ИМКОНИАТ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Олий ва ўрта таълим вазирлигида Термиз давлат университетининг Денов филиалига ёш олим ва мутахассисларни жалб этиш, битирувчиларни иш билан таъминлашга доир давра суҳбати ўтказилди. Унда вазирлик масъул ходимлари, воҳодаги таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда пойтахтимизда таҳсил олаётган сўхондорлик ёшлар иштирок этди.

ИШ ВА УЙ
БЕРИЛАРКАН

Даставвал Сўхондорларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар хусусида сўз юритилди. Қайда этилганидек, вилоятда салоҳиятли кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортмоқда. Уни биринчи навбатда, маҳаллий ёшлар ҳисобига қондириш керак. Сўнгги йилларда вилоятда 5 та олий таълим муассасаси очилган. Хусусан, Термиз давлат университети Денов филиалининг ташкил этилгани ўзига хос воқеалар. Буларнинг бари воҳалик йигит-қизлар учун кенг имкониятлар

эшигини очмоқда.

Учрашувда ТерДУ ректори Абдиқодир Тошқулов олийгоҳнинг оила қурган педагоглари уй билан таъминланиши, меҳнат сафари учун устама ҳақ тўлашини айтди.

— Имкониятлар ҳақида эшитиб, қувондим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти Бахтигул Солиқова. — Ўқишни тамомлашим билан Деновга қайтишга қарор қилдим. Туғилиб-ўсган маконим тараққиётига ҳисса қўшиш мен учун шараф.

FOTOLAVHA

ФАРҒОНАДА ЯГОНА



Нодиржон ЮСУПОВ

Бувайда туманида Ёшлар марказининг очилгани зап иш бўлди. Энди қанчадан-қанча ўғил-қиз ўзи қизиққан касб-ҳунарни ўрганиб олиши мумкин. Марказда 14 тўғарак мавжуд. Аста-секин уларнинг сони 52 тага етказилади.

Буни қарангки, вилоятда ягона саналган тўнчилик тўғараги ҳам

айнан бувайдалиқлар учун хизмат қилмоқда. Унга Малоҳатхон Шаропова бош-қош (суратда шоғирлари билан бирга). Моҳир чевар эл орасида унутилиб бораётган миллий ҳунармисини оммалаштиришдек эзгу мақсадни кузлаб, қўллаб қизларга устозлик қилапти.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

НОДИРБЕК ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Малик СИНДОРОВ

Тайлоқ тумани "Фулба" маҳалласида яшовчи Нодирбек Одилов мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, тиришқоқлиги ва илмталаблиги сабаб университетга ўқишга кирди. Аммо тест синовлари натижасини билгач, қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай қолди.

Ота-онаси вафотидан сўнг ҳоласининг қарамоғида қолган йигит учун шартнома пулини тўлаш

катта муаммо эди. Шукрки, қариндошларининг ёрдами билан биринчи ярим йилликка пул топилади.

Аммо бир зумда кейинги тўлов муддати ҳам етиб келганди. Нодирбекнинг боши қотиб, Устига-устак, у Ёшлар иттифоқининг чин етим ва ногирон, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ёшлар учун таълим гранти танловига ҳам ҳужжат топширишга кечиккан эди. Навраस्ता ўқишдан бутунлай умидини узганида ҳоласи Иттифоқнинг туман кенгашига

мурожаат қилди. — Жиянимнинг тушкунликка тушганини кўриб, роса эзилдим, — дейди аёл куюнчаллик билан. — Йигит-қизларимизнинг ишонган тоғига айланган Ёшлар иттифоқининг мутаассадилари мени тушунди, ёрдандан бош тортмади. Бундан чексиз миннатдорман. Энди Нодиржон бемалол ўқишни давом эттириши мумкин.

ANJUMAN

ЭҲ, БУ ИННОВАЦИЯЛАР!

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Тошкент давлат аграр университетиди "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиз тараққиётида фермерликнинг ўрни хусусида сўз юритилди. Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ривожига ёш фермерларга узвий боғлиқлиги таъкид-



Р.НАЗАРМАТОВ

ланди. Президентимизнинг жорий йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, мазкур жараёнда вазирликлар, идоралар, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш субъектларининг фаол ҳамкорлиги таъминланган.

Тадбир давомида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантириш, юқори сифатли ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш

ва жаҳон бозорига олиб чиқиш каби долзарб масалалар муҳокама қилиниб, келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Иштирокчилар томонидан илмий институтлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман доирасида қишлоқ ҳўжалигидаги инновацион технологиялар, мева-сабзавот, уруф ва экинлар қўргазмаси ҳам ташкил қилинди.



ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Семинарда қайда этилганидек, оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси талаблари асосида оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Соғломлаштириш ишларининг сифати ва болалар сони оширилишига эришилди. Жорий йилда оромгоҳларда 301 миң 500 дан ортиқ болаларни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 7 миң 600 нафарга кўпдир. Давлатимиз томонидан болалар оромгоҳларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш, уларни замонавий дам олиш масканларига айлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қабул қилинаётган манзилли дастурлар асосида мамлакатимизда бугунгача 100 дан ортиқ болалар соғломлаштириш оромгоҳлари таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилди. 17 оромгоҳ янгидан қурил-

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ди. Мамлакатимизда бу йил 1 миң 313 оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу юртимизда фаолият кўрсатувчи оромгоҳлар сони жорий мавсумда 23 тага кўпайганидан далолат. Улардан 206 таси стационар, 978 таси кундузги, 129 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир.

MUNOSABAT

ОИЛА ВА МАКТАБ – УЗИЛМАС РИШТА

Мопар ҲАЙДАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси



Илк бор мактаб кучоғига отланаётган боланинг янги муҳитга мослашиши кўп омиларга боғлиқ. Бунда ота-онанинг ҳам ўзига яраша бурчи ва масъулияти бор, албатта. Оилада фарзанднинг эрталаб ўз вақтида туриши, нонушта қилиши, мактабга бориши учун шароит бўлиши керак. Қолаверса, уйдаги фарзанднинг қанчалик ўзлаштирилгани, тарбияси ва ҳуқуқ-ахлоқ ҳусусида муаллимдан доимо сўраб-суриштириши ҳам жуда муҳим.

Президентимиз ўз фармон ва қарорларида шахарлардан олисдаги ҳудудлар, қишлоқ жойларида ҳам боғчалар бўлишини, ҳар бир бола мактабгача даврда шеърларни бўғинлаб ёллаши, эртақлар, рус тили ва инглиз тилларидаги сўзларни билиши кераклигини айтиди. Биз, ўқитувчилар бундан бениҳоят мамнун ва

миннатдоримиз. Чунки боғча таълимини олган бола билан уйдан мактабга келган бола ўртасида катта фарқ бор. Уйда она қайсидаир маънода ўқитувчига айланиши лозим. Боланинг дарс тайёрлаши, ўз вақтида дам олиши, ўйнашнинг назорат қилиш, керак пайтда кўмак кўрсатиш талаб қилинади. Бундай эътиборни фақат

риш, таълим муассасаларини эса, кераклик жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан муҳим топшириқлар берган. Бироқ мазкур жараёнда педагоглар, қолаверса, ота-оналар ҳам четда турмаслиги ва ўз вазифасини тўғри тушуниб, шиддатидан бажармоғи даркор.

Фарзанд кичиклигидан ота-онанинг, мактабга боришида эса, ўқитувчидан намуна олади. Шундай экан, унда ҳаётга, келажакка ҳавас уйғотайлик. Боланинг билимини қадарийта санаб, имга интилиши уйда ота-онанинг ўқитувчилар ҳақида ижобий тасаввур уйғота олишига ҳам боғлиқ. Аксинча, болани мол-дунёга ўргатиш, қўлига ортиқча пул бериб, қимматбаҳо телефон, велосипед, планшет каби иккинчи даражали буюмлар олиб бериш ўқиши ва тарбиясига салбий таъсир этади.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги, ўқитувчи билан мунтазам ҳамфикр бўлиши ҳар доим керак. Буни кеч англамас, ўзимизга ҳам, болага ҳам жабр қилган бўламиз. Баодоб ниҳол парваршига ҳозирдан киришайлик. Токи, келгусида меҳнатимизнинг тотли мева-ларидан роҳатланиш ҳар биримизга насиб этсин.

ХАЛҚИМИЗ ВА МИЛЛАТИМИЗ ИБРАТИ

АКРОМЖОН САТТОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ



Исҳоқхон Иброт номи бундан бир-икки йил аввал ҳам фақат илмий доиралардагина маъмул эди, ҳоло. Президентимиз Наманганда сайловдаи учрашувидан бу улур аломани алоҳида эҳтиром билан ёд этиб, унинг халқимиз учун қилган беқиёс хизматлари юксак эътироф ҳам муносиб эканини айтганидан кейингина Исҳоқхон Ибротнинг буюк шахс бўлганини англай бошладик.



У хорижий сафарлардан грам-мафон, муслиқий кўти, киноаппарат, фотоаппарат келтиради. Шу йилнинг ўзига “Матбааи Исҳоқия” номи билан босмаҳона ташкил этади. Наманган матбаачилигига асос бўлган босмаҳона ўтган асрнинг 60-йилларида фао-лият кўрсатган. Бу ерда ўтган давр мобайнида бир қатор илмий-маъ-рифий китоб ва рисолалар, миллий газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнаб китоб дўконлари фаолият юритган.

— Биз Иброт домла билан қўшни ҳовида яшаганмиз, — деб хотирлайди Ўзбекистон Қашрамо-ни Халчахон Мирзаева. — Болалик хотирада элас-элас сақланиб қолгани шукки, биз уларнинг уйига ўйнагани чикарлик, боғларидаги фаввора бизни ҳайратга солар эди. Менимча, уша пайтларда Наманганда ҳеч кимнинг уйда фаввора бўлмаган. Иброт домла қизлари Аабдани трактор ҳай-лашга ўргатган эканлар, “Бундан кейин ер омонда ҳайдалмайди, хотин-қизлар ҳам техникдан хабардор бўлиши керак, бўлма-са замондан орқада қоладилар”, деган эканлар домла.

Дарҳақиқат, Иброт домла ярат-ган боғ нафақат шунданки дархат-лар билан тўлдириб ташланган майдон, балки мукамил лойиҳа, илмий ёндашувлар асосида яратил-ган том маънодаги муҳандислик иншооти бўлган. Иброт уч танооб томошери ерига хориждан келти-рилган ноёб манзарали дархат ва гул қўчатларини тур ва табиғати-га қараб шундай анжир-китоб асосида жойлаштирганки, бунди ҳозиргача сақланиб қолган боғ тарихида кўриш ва унинг соҳибкор боғбон, ноҳиятаб гулчи ва бугунги кун тушунчаси билан айтганда, моҳир ландшафт дизайнери бў-лгани ишонч ҳосил қилиш мум-кин. Кўпчилик баҳра олган бу боғ “Гулбоғ”, “Исҳоқия боғи” номлари билан машҳур бўлган.

Иброт – тилшўнос, шоир, тарихнавис, публицист

Президентимизнинг алоҳида эътиборини тортган филологлар билан Иброт доманинг кўп тили билганимиз. Юқоридики зикр этилганидек, араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз ва француз тилларини пухта билган, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларидан хабардор бўлган. Болоний яратган “Ауғати ситта ал-синна” (“Олти тили луғат”)ни тилшўнослик тарихида шу кунгача бўлмаган ноёб илмий тадқиқот, деса муболаға бўлмайди. Зеро, икки, уч тиллик луғатлар кенг тарқалган ҳолда, олти тиллик луғат ҳозиргача яратилмагани шундай хулоса қилишга асос беради.

Шунингдек, Иброт домла серкйрра ижодкор сифати-да “Жомеъ ул-хуту” (“Халар мажмуи”), “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон уз-замон” (“Замон тарозиси”), “Санъати Иброт, қалами Мирражаб Бандий” каби тилшўносликка онд ундан ортиқ илмий-тарихий ҳамма маърифий асарлар яратган. У кишининг қаламига мансуб юзлаб халқчи шеърлар илмий адабиётимизни бойитишга ҳисса бўлиб қўшишган. Шоир лирикаси асосан ғазал, мураббаъ, мухам-мас, рубоий, шунингдек, маъри-фатпарварлик руҳидаги ва ҳажвий шеърлардан иборат. Биринчи шеърлар китобини Иброт 1909 йилда “Илми Иброт” номи билан чоп эттирган. Маърифатпарварлик руҳидаги шеърлари “Мезон уз-замон” номи билан босилган. Шоирнинг “Девони Иброт” номли қўлама шеърлардан иборат китоби тергов қилганлар томонидан йўқотиб юборилган.

Собиқ шўро давридаги кўплаб оқил ва фозил кишилар қатори Исҳоқхон Иброт ҳам 1937 йилда 75 ёшида ҳибсга олинган ва икки ой ўтгач, Андижон қамқонхонасида вафот этган.

FOTOFАКТ



Зулайҳо ЗАЙНИДИНОВА

Хабарингиз бор, юртимизнинг айрим тоғли ҳудудларида кучли ёғингарчилик сабаб сел келиши ҳолатлари кўзатилади. Табиий офат Наманган вилоятининг Косонсой туманини ҳам четлаб ўтмади. Оқибатда экин далалари пайҳон бўлди, кўплаб хонадонларга зарар етган.



Бундай вазиятда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ташаббуси ўз қўлига олиб, кўнгилли ёшлардан иборат меҳнат отрядини тузди. Шу кунларда ўна-лаб йигит-қизлар “Боғ” ва “Гузар” маҳалла фуқаролар йиғинларида селдан талафот кўрган объектларни таъмир-лаш ва ободонлаштириш ишларини олиб борди. Фидоий ёшларнинг қадими ўн бешдан зиёд хонадонга етди. Тенгдошларимиз кўча ва йўллар юзи, шунингдек, ертуладаларга

тўпланган сувларни чиқариб, ариқ ва зовурларни тозалаш, шағалларни текис-лаш ҳамда аҳолига бошқа турдаги амалий ёрдам кўрсатади. Ёшларнинг бундай хайрихоҳлиги ва беминнат кўмагидан маҳалла фуқаро-лари беҳад миннатдор.

XORIJDAGI TENGDOSHIM

БЕШТА ТИЛ БИЛИБ ДУНЁ КЕЗМОҚДА



Тумарис АВЗАМ

Бугун ўзбек ёшларини дунёнинг турли мамлакатларида учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти хорижда таълим олади. Нуфузли халқаро ташкилот ва компанияларда фаолият кўрсатаётганлари ҳам бор. Иجتимой тармоқ орқали миллатимиз фахри бўлишга арзирли ана шундай ёшлардан бири — Жавоҳир Иззатуллаев билан сўхбатлашдик.

Жавоҳир 25 ёшда. Асли наманганлик. Она тилидан ташқари тўртта — инглиз, япон, корейс ҳамда русчада эркин мулоқот қилади. Утган йиллар мобайнида бир қатор халқаро грантларни ютиб, Япония, Германия, Россиядаги етакчи таълим даргоҳларида тахсил олди. Ҳозир у Жанубий Кореяда. Пусан шаҳридаги Донг-А университетининг магиструра босқичида грант асосида ўқияпти. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш менежменти йўналишини танлаган.

Жавоҳир Кореядаги таълим тизимининг ўзига хослигини ўрганипти. Ижобий жиҳатларини Ўзбекистонда ҳам қўллаш ниятида. Бу ҳақда сўзлар экан, келажакда ўқитувчилик касби юртимизда талаб юқори ва рақобатбарош касблардан бирига айланишига ишонч билдириди. — Педагог ўзи устиди

кўпроқ ишласа, ҳар бир боланинг тақдирини юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўра оласанга, уша мамлакат ривожланади, — дейди сўхбатдошимиз. — Ўзга юртларда яшаб англадимки, бизнинг бошқа халқлар ҳамда уларнинг ақлли фарзандларидан сира кам жойимиз йўқ. Шунга қарамай, тўхтаб қолмаслигимиз, Ватанимизни тараққий эттиришда давом этмоғимиз даркор. Мен сўнгги етти йил мобайнида таълим соҳасида ўқиб изландим. Аммо бошқа иجتимой соҳаларни четга суриб қўйганим йўқ. Мана уч йилдирки, журналистика фаолият билан шуғулланаман. Турли ташкилотлардан ишга таклиф қилишяпти. Ҳали охириги тўхтамаг келмадим. Ҳар нарсани аниқ билмаман: мен ўзбек фарзандиман ва Ўзбекистон учун меҳнат қилишим керак!

БИР КЕЛСАНГ, КЕТГИНГ КЕЛМАЙДИ

Бухорода XVII аънавий “Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали бўлиб ўтди

А.САТТОРОВА

Вилоят ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Хунарманч” уюшмаси ҳудудий бошқармалари, қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг қамрови йил сайин кенгаймоқда. Унда юртимиз хунармандлари билан бирга Россия Федерацияси, Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон каби дунёнинг ўн бешдан ортиқ мамлакатидан келган тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Фестивалда ўзбек ва ўзга халқлар фольклор-этнография ансамбллари ҳам ўз санъатини намойиш этди.

— Тадбирлар юқори савияда ташкил этилган, — дейди италиялик Жоржо Флавио. — Тақинчоқлару матоларингиз менда катта таассурот қолди-

ди. Гиёҳ ва зираворларнинг хушбўйлигини айтмайсизми. Таомларнинг-ку, мазасига гап йўқ! Келаси йили Ўзбекистонга оиламни ҳам олиб келаман.

Фестивал доирасида Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида хорижий ҳамда маҳаллий ишбилармон доиралар вакиллари, хунарманч ва тадбиркорлар учун бизнес-форум ҳам ўтказилди. Таъкидланганидек, жорий йилда қўхна ва навқирон Бухорога Индонезиядан 10 минг, Хитойдан 8 минг, Исроилдан 5 минг нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюриши кўтилмоқда. Шу босис вилоятда 30 дан ортиқ хусусий меҳмонхона, 12 та мотель, 50 га яқин ресторан, 10 та маданият ва истироҳат боғи қуриляпти.

Форумда туризмни ривожлантириш бўйича Евро-

па тикланиш ва тараққийёт банкининг имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиши, соҳанинг янги йўналишларини тақомиллаштириш ва салоҳият-ли кадрлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кун давомида ташкил этилган турли маданий тадбирлар, палов

сайиллари, либослар намойиши, миллий уйин ва спорт мусобақалари, бадий жамоалар чиқишлари барчага кўтаринки кайфият улашди. Айниқса, воқийнинг атласу адраслари, Сурхондарёнинг ипак гиламлари хорижий меҳмонлар ҳайрату ҳавасига сазовор бўлди.

ИБРАТ – МАЪРИФАТПАРВАР

Мадрасани тамомлаб Турақурғонга қайтган Иброт халқ фарзандларини илмий, маърифатли қилишдек эзгу мақсадда 1886 йилда янги усулда мактаб очиб, муаллимлик қила бошлади. Мактабда дунёвий илмларни ўқитишга алоҳида эътибор беради. Тор тушунчалари айрим “мулла”ларнинг иғвоси билан маъмурулар бу мактабни ёпиб қўяди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида янги иجتимой тафаккур шакллана бошлаган эди. Илғор зиёлилар халқни зулматдан чиқариш, онгини еришти, тараққийта, миллий уйғонишга давлат этиш борасида фаол иш олиб бордилар, бутун фаолияти ва ижодини шунга қаратдилар. Иброт мана шу маърифатпарвар ва тараққийпарвар зиёлилар гуруҳининг олдинги

ИБРАТ – ТАРАҚҚИЙПАРВАР

Исҳоқхон Ибротни бошқа маърифатпарвар замондошларидан ажратиб турадиган фазилат — бу фан-техника янгиликларини ўқамизга олиб кириш йўлидаги фидоийлигидир.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Севара ҚОДИРОВА

Олийғоҳда дарс бераман. Аудиторияга эртaroқ киришга одатланганман. Талабаларни охишта кузатиб, суҳбатини тинглаб, нимага қизиқишини ўрганаман. Бу, ёшлар билан тил топишишимда ёрдам беради.

БЕГОНАЛАРГА
БЕРМАЙЛИК
ҚАЛБНИ

Бир кунни йигит ва қизлар икки гуруҳга ажралиб, баҳслашган устидан чиқиб қолдим. Қизлар "Дангал" номли ҳинд фильмининг, йигитлар эса, футбол қироли Пеле ҳақидаги "Афсонанинг туғилиши" ҳамда яна бир футбол юлдузи Марадоणाга бағишлаб суратга олинган "Илоҳий қўл" кинокартиналарини муҳокама қилаётган экан.

Талабаларим хориж киноси ҳақида шунчалик туқинланган гапирганини кўриб, ёшларга миллий ўз-лигини сингдиришда санъат воситасидан мутлақо фойдалана олмаётганимизни англаб қўярдим. Зангори экранларимиз орқали тарихий фильмлар намойиш этилмайдими ҳисоб. Шунча йил мустақилликда яшаб, ҳали бирон марта буюк аллома-ларимизнинг ҳаёти ва фаолияти қойимлақом қилиб экранлаштирилганини кўрмадим. Шу билан бирга, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида томошабоқ телесериаллар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиш вақти келмайдими? Ёшларимиз хориж мамлакатларининг таъриқи сиймоларидан ҳайратланиб, ҳавас қилиб турган бир пайтда нахот, биз спортчи мураббийлар, ўзбек олимларининг

ютуқларини кўз-кўз эта олмадик?

Фазлидин Гойибназаров, Шаҳрам Гийёсов, Ҳасанбой Дўстматов каби Олимпия чемпи-онларини танимайдиган оила юртимизда бўлмаса керак. Фазлидин Гойибназаров ҳақида кўрсатувни томоша қилаётганда унинг оддий инсонлар фарзанди эканини кўриб, кўзим ёшланганди. Кунни кеча эса, бир ангилликни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо замонамиз қаҳрамон-ларидан бири — спорт мураббийси туғрисида "Зарб" номли қисса битибди. Шу асар асосида телесериал суратга олинаётган экан.

Қадри ижодкорлар! Давлатимиз раҳбари ўзбек деган номга, ўтган буюк аждоғларимизга муносиб бўлишимиз учун жон қойтмоқда. Ҳар кун турли қарор ва фармонлар эълон қилинганда, Аммо катталар ташаббус кўрсатиб ёш авлодга намуна бўлмаса, барчаси бекор. Мақтангулик тарихимиз, адабиётимиз, қаҳрамонларимиз бўла туриб, фарзандларимиз қалби ва онгу шурири-ни беғоналарга бериб қўймайлик. Уларнинг ўз юртига содиқ, ватанпарвар, ғайратли ва шижоатли бўлиб улғайиши сизларга ҳам боғлиқ.

ТААССУРОТ

ЮЛДУЗ, ИНСОН,
ВАҚТ... ВА ЎЗБЕКISTON



Яқинда Жанубий Кореянинг сайёҳлар учун мўлжалланган "Travie" интернет газетасида журналист Шин Ю Жиннинг шу номадаги мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф Ўзбекистонга қилган сафари таассуротлари билан ўртоқлашган.

Ўзбекистонга боришимнинг сабаби

Эрта тонгдан бирон нота-ниш шаҳарга йўл олиш истаги ила уйғондим. Ўзга ўлканинг ифорини туйиб, саёҳат қилгим бошладим. Ўзбекистон. Бу ном нотаниш бўлса-да, аммо нега-ди кўнглимда илқик уйғотди. Жорий йил 10 февралдан бошлаб Ўзбекистонга ўттиз кунлик визасиз тизим жорий этилди. Самолёт чиптасини сотиб олдим, шу юртга равона бўлдим.

Ярли ҳар қадамда эшитардим. Одамлар "Тангем" ва "Қиш сонатаси" сериалларини ёдга олди. Мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, Тошкентнинг ёрқин архитектурасида юлдузлар ҳам худди тўкилиб туради-гандек кўринар экан.

Самарқанд — буюк rassom Моненинг ишқи тушиши мумкин бўлган ёрқин шаҳар

Марказий Осиёнинг қадимий кентларидан бири — Самарқанд муҳташам меъмори-лиги билан ажралиб туради. Қўёш нурида мовий гўмбазлар оқ ва қуланг бинолар оний лаҳзада тўқ сариқ тусга кириб боради. Буюк француз rassomi Оскар Клод Моне Самарқандни кўрганида Руан қасри ўрнига мана шу обидаларни чизган бўларди, назаримда. Шоҳи Зинда мақбараси —

ҳақиқий буюклик намунаси. Унда кезар эканман, олис тарих қулоқларим остида жа-рангларди. Регистон Марказий Осиёнинг улкан майдони, деб бежиз аталмаган экан. Самарқанд тонгида Турки Амир мақбарасини узоқ томоша қилдим.

Хива: Ой ёруғида шамол эсади

Хоразм — Орол денгизи жа-нубидаги Ўзбекистон жавҳари-ридир. Қадимда бу заминда



юнонлар истиқомат қилган экан. Хоразм ҳануз Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи марказ вазифасини бажар-моқда.

Хиванинг таровати ўзгача. Ичан қалъани тарих ва бугун ўртасидаги деворга менга-дим. Қалъа майдони унча катта эмас. Мен тонгда ҳам, тунда ҳам уни томоша қилишдан тўймадим. Айниқса, Жума масжидининг қўёш нурида жи-доланиб нур сочишини кузатар эканман, саёҳатчилар бежиз шаҳарнинг сокин тунини кузати-штиёқиди ёнмаслигини тушунадим. Кун тун билан алмашди. Кунни буйи меҳнатдан бош кўтармаган хивалиқлар салқин ҳавода чордана қурганча


бир-бири билан самимий суҳ-батлашарди. Миноралар аро эсаётган шамол уларнинг тову-ши ва ҳаёлларини ҳар томонга элтарди...

Нурота: Сомон йўлида гулхан алаангаси

Янги бунёд этилаётган, қайта таъмирланаётган уйлар, меҳнатдан завқ олаётган маҳаллий аҳоли, кашта тикаёт-ган аёллар — буларнинг бари-ни гузал Нуротада кўрдим. Меҳмонхонага жойлашган, Айдарқўлга йўл олдим. Ман-зарани завқ билан кузатдим. Бахтли тасодиф туйғайли "Айлар Юрт" оромгоҳи раҳ-бари билан танишиб қолдим. Унинг таклифига кўра, тунни оромгоҳда тикилган ўтовда ўтқаздим. Оқшомда осмонни томо-

Бенуқсон гузал денгиз

Ўзбекистоннинг ғарбида жойлашган Нукус шаҳридан бир пайтлар денгиз саноати-нинг муҳим маркази саналган Мўйноққа йўл олдим. 60-йил-ларда собиқ Совет ҳукумати денгизга қуйилмаган дарёлар сувини қишлоқ ҳужаалигига буриши натижасида Орол су-вининг сатҳи кескин камайди. Бир пайтлар катталиги буйича қуриб битди. Ҳозир бу ерда "кемалар қабристони" ҳосил бўлган. Абгор аҳволдаги қайиқ ва кемалар саҳрода қичқираёт-ганга ушарди. Шунга қара-май, Орол манзараси барибир бетакрор.. Нукусга қайтиб, Савишкий музейига кирдим. Бу ерда Ўзбекистон, Орол тарихи билан



ша қилаётиб Сомон йўлини кўриб қолдим. Қувониб кетдим. Сабаби табиятнинг ушбу ҳодисаси Кореяда кам кузатилади. Тунда одамлар гулхан атрофида кўшиқ айтарди. Само ёруғи ва севинч куйи юлауларни ҳаракатга келтир-ганди, гўё.

батафсил танишдим. Шафқат-сиз вақт сабаб шунга тушган бўлса-да, ҳануз мафтункор-лигини йўқотмаган Оролнинг келажаги яхшиланганини умид қилган ҳолда ортга қайтдим.

Корей тилидан Т.БУТУНБОЕВА таржимаси.

САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Қандай фаолият турлари ўриндошлик асосидаги ишларга кирмайди?

Ақбар БЕКМУРОДОВ
Булунғур тумани



Саволга ҳуқуқшунос Гуноза ЙУДОШЕВА жавоб беради:

— Вазирлар Маҳка-масининг 2012 йил 18 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби туғрисида" ги низомга кўра, қуйи-дагилар ўриндошлик асосида ишлашга кир-майди: — илмий ёки педа-гогик фаолият, агар у асосий иш жойи буйича бажарилмаса; — муаллифлик гонорари сифатида ҳақ тўланадиган фан, адабиёт, санъат асарла-ри яратиб, шунингдек, алоҳида асарларни таҳрир, таржима қилиш

ва уларга тақриз ёзиш: — битта ташкилотда асосий ишдан ташқари шта лавозимини эгал-ламасдан бошқа ишни бажариш; — ҳукумат қарорлари билан ходимнинг иш ҳақига устамалар бел-гиланган вазифаларни бажариш; — меҳнатга бир мар-та ҳақ тўланган ҳолда техник, тиббий, бух-галтерия, ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспер-тиза ўтказиш; — умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, мактабдан ташқари таълим муас-сасалари, Меҳрибонлик уйлари қўмитачилари ва бошқа педагог хоdim-лари (раҳбарлардан ташқари), шунингдек, концертмейстер ва ак-

компаниаторлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда меҳнат ҳақи тўлаш буйича уларга тенглаштирилган бошқа таълим муассасалари ўқитувчи ҳамда мастер-ларининг ўзи ишлайдиган жойда белгиланган меҳнат нормасидан ортиқ, лекин ушбу иш тури буйича иш вақти нормал давомийлиги-нинг 50 фоизидан кўп бўлмаган ишни бажар-иши;

— соғлиқни сақлаш муассасаларида ойига 24 соатдан ортиқ бўл-маган ҳажмда, меҳнатга бир марта ёки соатбай ҳақ тўланган ҳолда тиббиёт маслаҳатчиси вазифасини бажариш; — илмий-тадқиқот ва олий таълим муас-сасаларида ўша муас-саса штатда турмаган илмий ходимларнинг катта илмий ходим-изланувчиларга раҳбар-лик қилиши; — сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ёки жамоат бирлашмалари марказий ва ҳудудий органларининг сайлаб қўйилмаган лавозимла-рида раҳбар, кузатувчи кенгаш ёхуд директор (бошқарувчи)лар кен-гаши раиси ёки аъзоси, махсуслот тақсмотига оид битим доирасида кўмитани бошқарувчи, ишончли бошқарувчи ёки ташкилотда давлат-нинг ишончли вакили сифатида фаолият кўрсатиши.

QING, BU QIZIQ!



Британиялик экспертлар 2018 йилда дунё-даги энг қimmat шаҳарлар рўйхатини тузиб чиқди. "Кучли" учликдан Сингапур, Париж ва Цюрих ўрин олган.

Рейтингни аниқлашда 133 мамлакатдаги хизматлар, шу жумладан, коммунал тўловлар ҳамда махсуслотлар нархлари ҳисобга олинди. Шундай қилиб, Сингапурда 1 килограмм нони 3,71, бир шиша винони 23,68, шунингдек, 1 литр бензинни 1,56 АҚШ долларига сотиб олиш мумкин. Париж ва Цюрихдаги нарх-наво мос равишда 6,33/5,31, 11,90/15,89 ҳамда 1,77/1,68 АҚШ долларини ташки қилади. Энг арзон шаҳарлар сифатида эса, Дамашк, Каракас, Олмаота, Лагос ва Бангалор топилган.



Ҳажм жиҳатдан энг катта кон-ституция Ҳиндистонда бўлиб, унда 117 минг 369 сўз ишлатилган.



Экватор кон-ституциясида нафақат фуқа-ролар, балки атроф-муҳитнинг ҳам ҳуқуқлари мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, мамлакат ҳудудида жой-лашган табият ва экотизимлар мавжуд бўлиш ва қайта тикланиш ҳуқуқига эга.

KITOV JAVONINGIZGA

Исломжон ҚҮЧҚОРОВ

БАРДОШНИ ТОБЛАЙДИГАН АСАР

Чингиз Айтматовнинг "Соҳил ёқалаб чапаётган олапар" қиссасини илк бор ўқиганимда, ўзимни Охота денгизи соҳилларида юргандек ҳис этгандим. Гўё оқсоқол Ўрхон, Эмрайин, Милхун ва очик денгизга биринчи бор, тагин ов қилиш мақсадида чиқаётган Кириск билан битта қайиқда сузиб борардим. Асарни ўқиш асосида негадир Кириск гойиб бўлиб қолди. Ҳали этни жунбушга келтирадиган воқеалар рўй беришига анча бор. Кейин билсам, мен Кирискга айланганим, унинг руҳиятида яшай бошлаган эканман.

Очиқ денгизда йўлдан адашган қайиқ, кун билан тун ўртасидаги фарқнинг йўқолиши, қаҳрамонларни қийнаган таш-налик ва очик азоби, эртанги кунга умиднинг сўниши ўқув-чини кучли ҳаяжонга солади. Ҳақиқий ёзувчи асарга кўчирган туйғу-тушуналари китобхон қалбидан ана шундай "яшата оли-

ши" керак. Йўқса, увол бўлган сузу, йўқотишган вақтга ачиниш-дан булак чора қолмайди. "Соҳил ёқалаб чапаётган олапар" адибнинг бошқа асар-ларига қараганда анча оғир. Чунки унинг бош қаҳрамони Кириск бирин-кетин яқин-ларидан ажралди. Аввалайга бобоси, кейин амакиси, сунгра

отаси ўзини қурбон қилади. Буни кўриб-билиб турса-да, бирон чорасини топа олмаган Кириск қаттиқ изтиробга туша-ди. Барча яқинларидан ажрал-гани етмаганидек, захиралаги ичимлик суви ва егулик ҳам тугайди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳаётида биринчи бор очик денгизга чиқиб шундай

қаттиқ зарбага учраганига қарамай, Кириск барча гам-ан-дуҳлардан биратўла кутилиб қўя қолишдан тийилди. "Кўк сичқонча, сувингдан бер!" Онаси ўргатган ушбу кўшиқни бола тинмай такрор-лай бошлади. Гарчи ҳеч қан-дай мўъжиза юз бермаса ҳам, Кириск кўк сичқонни бириб-бир чақираверди. Чунки бу нидо унга умид бағишларди. Асар қаҳрамони метин иродаси, эртанги кунга собит ишон-чи туйғайли яшай қола олди. Мазкур воқеа бошига арзи-мас ташвиш тушганда дарҳол "оҳ-воҳ" тортиб қоладиган бугунги баъзи ёшларга ибрат бўлса, ажаб эмас.

Энди асарни бошқа ра-курсдан таҳлил этиб кўрайлик. Қадимдан қолган гап бор: кемага тушганининг жони бир. Аммо киссани ўқиб чин инсоний фазилатлар қарши-сида минг йиллик нақдлар ҳам кор этмаслигин тушуна-сан, киши. Эйтибор беринг, вазият қатоқлигини англаган Ўрхон бобо яқин кунларда ҳаммалари оч-наҳорликдан қирлиб кетишини билиб, аввало, ўзини чўктиради. Сунгра Кирискнинг амакиси ва отаси сувга гарк бўлади. Улар болаканинг омон қоли-ши, соҳилга етиб бориши ва наслини давом эттириши учун шу ишни қилган. Ниҳоят, Кириск минг ма-шаққат билан ёлғиз ўзи соҳил-га етиб келади. Овга чиққан сайёдалар бу сафар ўзлари сайд бўлади. Фақат сайёда ўзгарган: Охота денгизи... "Соҳил ёқалаб чапаётган олапар" қиссаси ўқувчининг иродасини мустақамлаш, сабр-бардошга ўргатиш, шу хилсат билан ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб ўтиш мумкинлигини ангайтишга хизмат қилади. Бундан на ил-лат, на замону макон муҳим. Демак, Чингиз Айтматовнинг ушбу асарни чин маънода умр-боқидир.

BILASIZMI?



Ёшлар иттифоқига аъзо талбир-корлар учун 5 йилдан кўп бўл-маган мuddатга ижара ҳақининг "ноль" ставкаси буйича ишлаб чиқариш майлонлари ажратилади. Шу мақсадга тўғри ва шаҳарлар марказларида ёшлар талбиркорлик кластери фаоли-яти йўлга қўйилган.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОКИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — маъсул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Жавлон Вафоев
«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиш шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси келишилган нархда.
Буғурта Г-536
Адади — 22176
Боснига топшириш вақти — 21.00
Тошридли — 23.30
ЎА яқини — 21.50
Ойбек устунида босилган